

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Қамбарова Дилшода Равшановна

Ориентал университети тарих йўналиши магистри

Аннотация: *Ўтган қисқа йиллар ичида Хоразм Маъмун Академиясида сезиларли, муайян ишлар амалга оширилди. Академия таркибидаги “Археология, фалсафа, тарих” бўлимида “Хоразмда қадимги ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги”, “Ўзбек халқининг этник тарихида Хоразм воҳасининг ўрни”, “Хоразм вилояти археологик ёдгорликларини тадқиқ қилиш” бўйича илмий изланишлар олиб борилди. Хива хонлигига асос солиниши шу даврлардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятлар, Хива хонлиги давлатчилигидаги бошқарув тизими, давлат ҳужжатлари, шу жумладан чет элларда Хива хонлигига оид архив ҳужжатлари илмий мерос чуқур ўрганиш.*

Калит сўз ва иборалар: *хонлик, маданият, меъморчилик санъати, давлатчилик, миллий урф одат.*

Аннотация: *За последние несколько лет в Хорезмской академии Маъмуна были проведены значительные, конкретные работы. В секции «Археология, философия, история» Академии проводились научные исследования по темам: «Узбекская государственность древнего средневековья в Хорезме», «Место Хорезмского оазиса в этнической истории узбекского народа», «Научные исследования». археологических памятников Хорезмской области». Основание Хивинского ханства – это углубленное изучение социально-экономических условий того времени, административной системы государственности Хивинского ханства, государственных документов, в том числе архивных документов Хивинского ханства за рубежом.*

Ключевые слова и фразы: *ханство, культура, архитектурное искусство, государственность, национальная традиция.*

Annotation: *In the past few years, significant, specific works have been carried out at Khorezm Ma'mun Academy. In the "Archaeology, Philosophy, History" section of the Academy, scientific research was conducted on "Uzbek statehood of the ancient Middle Ages in Khorezm", "The place of the Khorezm oasis in the ethnic history of the Uzbek people", "Research of archaeological monuments of the Khorezm region". The founding of the Khiva Khanate is an in-depth study of the socio-economic conditions of those times, the administrative system of the Khiva Khanate statehood, state documents, including archival documents of the Khiva Khanate abroad.*

Key words and phrases: *khanate, culture, architectural art, statehood, national tradition.*

Хоразм ноёб маданият, нафис санъат, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафий ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган адабиёт ва шеърият маскани, дунёвий илм ўчоқларидан бири эканлиги қувончли воқеадир. Хоразм

воҳасининг тарихий-маданий мероси бевосита илм фан, шу билан бирга меъморчилик санъатининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Биринчи Президентимиз 1997 йил 20 октябрда бутун дунё миқёсида нишонланган қадим Хиванинг 2500 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган табрик нутқида илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намоёндалари қатори бетакрор тарихий обидалар, иморатлар бунёдкорлари шаънига ҳам илиқ сўзлар, қимматли фикрлар билдирган эдилар.¹⁹ Юртбошимиз шу анжуманда одамзод тарихидаги илк академия бизнинг заминимизда ташкил топганлигини алоҳида таъкидлаб, уни қайтадан ташкил этиш кўп улуғ иш бўлишини эътироф этган эдилар. Орадан кўп ўтмай 1997 йил 11 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Хива шаҳрига кираверишдаги ажойиб тарихий обида-Қўша дарвоза билан ёнма-ён жойлашган салобатли, муҳташам бинода мана ўн етти йилки, Хоразм Маъмун Академияси фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мустақиллигимиз шарофати, юртбошимиз ташаббуси, саъй ҳаракатлари билан қайтадан ташкил этилган бу академия республикамиз илм аҳли, айниқса хоразмликлар учун кенг имкониятлар яратди. Ўзбекистонимизнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, уни жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустақкамлаш, минтақаларда илм фанни янада ривожлантириш, истеъдодли қобилиятли элим деб юртим деб ёниб яшашга қодир фидоий олимларни қўллаб қувватлаш, миллий урф одат, қадриятларимизни улуғлаш, Ватанимиз тарихини чуқур ўрганиш, боболардан қолган бой меросни асраб авайлашда академия фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Хоразм дунё маданий тараққиётига салмоқли улуш қўшган, ўзининг бой тарихи, юксак маънавияти, ноёб обидалари, ҳунармандчилиги деҳқончилиги билан жаҳонга танилиб келаётган муқаддас замин ҳисобланади. Хоразм ўзбек давлатчилигига асос солинган дунё халқларининг қўлёзмаси "Авесто" асари яратилган табаррук диёрдир. XII-XIV асрларда Мовороунаҳрга ташриф буюрган араб сайёҳларидан Ёқуб Ал Ҳамавий ҳамда Ибн Батуталар дунёдаги ҳеч бир ўлкада Хоразмдагидек олийжаноб, маърифатпарвар, ҳунарманд меҳмондўст элни ҳеч бир ерда кўрмадим деб ўз эсталикларидан қайд этиб қолдирганлар.²⁰ Дарҳақиқат дунё илм фанига асос солган буюк сиймолар, донишманд алломалар Хоразм фарзандлари, Хива дилбандлари. Бутун жаҳонда ҳар дақиқа, ҳар соат, ҳар лаҳзада миллионлаб кишилар мурожаат қилиб келаётган ал-Жабр, алгоритм алгебра фанига асос солган хоразмлик буюк аллома Мусо ал Хоразмий ҳисобланади. Ер шари глобусини эса ватандошимиз Абу Райҳон Беруний (Маъмун академиясининг илк раҳбари) яратган.²¹ Атлантика уммони ортида Америка қитъаси борлигини

¹⁹ Хоразм Маъмун Академияси ташкил топганлигининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Хоразм Маъмун Академияси: Ўтмишда ва ҳозирда" мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари.

²⁰ Ёқуб ал Ҳамавий. Мужъам ал-бульдон (араб тилида). Миср. 8 жилд, 1906.

²¹ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар/таржимаси А.Расуловники, Танланган асарлар. 5 томлик. 1 том. Тошкент: Фан, 1968. Б.680.

Христофор Колумбдан 500 йил олдин башорат этиб, ҳаттоки унинг харитасини чизиб қолдирган ҳам Абу Райҳон Беруний ҳисобланади.

Маккаи Мукаррама амири Ибн Ваххос, қадимги Хоразм ҳақида қуйидагича таърифни келтириб ўтади. "Дунёдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилда бир дунёга келадиган Маҳмуд аз Замахшарийни дунё элига етказиб берган муқаддас жой деб айтиб ўтади". Ҳатто Замахшар қишлоғида ўқилган бир ракат намоз маккада ўқилган етти ракат билан баробар деб таъкидлайди.²² Замахшарий ҳазратлари 50 дан ошиқ асарлар ёзиб қолдирган бўлиб у киши араб грамматикасига ҳам асос солиб " Жаруллоҳ, яъни Оллоҳнинг қўшниси " деган номга сазовор бўлганлар.

Шайх Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, Мунис, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий, Саййид Муҳаммад Раҳимхон Феруз Соний каби буюк сиймолар, ардоқли алломалар шу табаррук заминда камол топиб ўлка доврўғини дунёга танитишган. X аср охири-1004 йилда ташкил қилинган "Дорул Ҳикма" Маъмун Академиясида ҳам Шарқнинг кўплаб илм раҳбарлари турли фан йўналишлари бўйича қатор изланишлар олиб бориб, ўз фаолиятлари билан жаҳон илм фани ривожига улкан ҳисса қўшишади. Хоразм Маъмун академиясининг сардори ва раҳнамози Абу Райҳон Беруний "Минерология" ва "Геодезия", "Ҳиндистон" каби бир юз эликдан ошиқ ноёб асарлар ёзиб қолдирди. Академияда фаолият кўрсатган Абу али Ибн Сино эса ўзининг қатор асарларини жумладан "Тиб қонунлари" асарини ҳам айнан мана шу ерда ёзиб тугатади. Абу Саҳл Масиҳий, Абулҳайр ибн Хаммор, Абу Абдуллоҳ Илоқий, Ибн Масковайх, Умар Исфакхоний, Абу Абдуллоҳ ибн Иброҳим ан-Нотилий бу киши (Абу Али Ибн Синонинг хоразмлик илк устози), Ибн Ироқ Журжоний, Муҳаммад ас Саорибий каби ўнлаб етук алломалар Маъмун академиясидаги фаолияти билан жаҳон илм фани тараққиётига улкан ҳисса қўшишди.²³

Ўтган қисқа йиллар ичида Хоразм Маъмун Академиясида сезиларли, муайян ишлар амалга оширилди. Академия таркибидаги "Археология, фалсафа, тарих" бўлимида "Хоразмда қадимги ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги", "Ўзбек халқининг этник тарихида Хоразм воҳасининг ўрни", "Хоразм вилояти археологик ёдгорликларини тадқиқ қилиш" бўйича илмий изланишлар олиб борилди. Хива хонлигига асос солиниши шу даврлардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятлар, Хива хонлиги давлатчилигидаги бошқарув тизими, давлат ҳужжатлари, шу жумладан чет элларда Хива хонлигига оид архив ҳужжатлари илмий мерос чуқур ўрганилмоқда.

²² Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в средней Азии и Хорасане X начала XI в. Ташкент: Фан, 1984. с.294.

²³ Абу Саид Гардизи. Зайн ал-ахбор. Украшение известий. Раздель об истории Хорасана. Ташкент: Фан, 1991.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Хоразм Маъмун Академияси ташкил топганлигининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Хоразм Маъмун Академияси: Ўтмишда ва ҳозирда” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари.
2. Ёқут ал Ҳамавий. Мужъам ал-бульдун (араб тилида). Миср. 8 жилд, 1906.
3. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар/таржимаси А.Расуловники, Танланган асарлар. 5 томлик. 1 том. Тошкент: Фан, 1968. Б.680.
4. Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в средней Азии и Хорасане X начала XI в. Ташкент: Фан, 1984. с.294.
5. Абу Саид Гардизи. Зайн ал-ахбор. Украшение известий. Раздель об истории Хорасана. Тошкент: Фан, 1991.